

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Ижтимоий аҳамиятли дорилар импорти – тендер ва квоталарсиз

Бундай тартиб Президентнинг 30.10.2017 йилдаги ПФ–5216-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир Фармонида кўзда тутилган.

Эслайтиб ўтамиз, муқаддам белгиланган нархлар бўйича сотиладиган ижтимоий аҳамиятли дорилар ва тиббий маҳсулотлар импорти Ташқи савдо вазирлиги томонидан маҳаллий улгуржи ва улгуржи-чакана савдо компаниялари ўртасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аниқланган квоталар чегарасида ўтказиладиган тендер бўйича амалга оширилар эди.

Энди тендер ўрнига Ташқи савдо вазирлиги ҳар чорақда фақат жаҳон нархлари конъюнктураси таҳлилини ўтказиши ва махсус Республика комиссиясига ижтимоий аҳамиятли дорилар ва тиббиёт буюмла-

рининг охириги йўл қўйиладиган импорт шартнома қиймати бўйича таклифлар киритади.

Таклифларни ташқи савдо, иқтисодиёт, молия, соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда МБ ва Давлат рақобат қўмитасининг вакилларида иборат Ишчи гуруҳ қўриб чиқади. Ишчи гуруҳ ҳисоб-китоби асосида Республика комиссияси импорт шартномалари бўйича охириги йўл қўйиладиган қийматларни белгилайди.

Бу муҳим! Бундан юқори бўлган нархларда товарни етказиб бериш бўйича импорт шартномалари тузиш тақиқланади.

Бундан ташқари, мазкур тоифадаги товарларнинг фақат маҳаллий улгуржи ва улгуржи-чакана савдо компаниялари томонидан импорт етказиб берилиши тўғрисидаги талаб ҳамда етказиб беришларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан квоталаш бекор қилинди.

Бунда дорихоналарда нарх белгилаш устидан назорат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Назорат инспекциясидан соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ҳудудий органларига топширилган.

Маълумот учун: Рўйхатга киритилган импорт қилинган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари аввалгидек, ихтисослаштирилган улгуржи ташкилотлар ва дорихоналар томонидан белгиланган улгуржи ва чакана нархларда сотилади. Ушбу нархлар қуйидаги формулар бўйича аниқланади:

$Ун = С \times 1,15$, бу ерда:

Ун – улгуржи нарх;

С – сотиш нархи;

1,15 – улгуржи савдо устама нархининг охириги йўл қўйиладиган қийматини инобатга олувчи коэффициент.

$P = С \times 1,15 \times 1,2$, бу ерда:

P – қатъий белгиланган чакана нарх;

С – сотиш нархи;

1,15 ва 1,2 – савдо устама нархларини инобатга олувчи коэффициентлар.

Ҳужжат 30.10.2017 йилдан кучга кирди.

Ўқувчилар ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида касбий таълим олади

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги 868-сон қарори билан мактабларнинг 10–11-синфлар ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф маъқулланди.

Ҳужжат билан Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10–11-синфлар ўқувчилари учун касбий таълимни ташкил этиш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга кўра, 10–11-синфлар ўқувчиларига касбий таълим бериш узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланади, мажбурий ва бепул амалга оширилади (қўшимча пуллик хизматлар кўрсатилиши мумкин). Касбий таълим бериш муддати 2 йил. У лицей, коллеж ва мактаблардаги мажмуаларда ташкил этилади.

Мажмуада ўқувчиларга касбий билимлар бериш, тадбиркорлик асосларини, меҳнат ва касб кўник-

маларини эгаллаши, шунингдек уларнинг касбий қобилиятлари ва сифатлари ривожлантирилиши таъминланади. Мажмуадаги касб-хунарининг турига қараб, ҳудуддаги тегишли ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида амалий машғулотлар ташкил этилиши мумкин.

Мажмуада 2 ўқув йили давомида жами 408 соат касбий таълим берилади. Ҳар бир ўқув йили якунида ўқувчилар учун 36 соатдан иборат ишлаб чиқариш амалиёти ўтказилади. Ўқувчиларнинг касб-хунара оид билимларини аниқлаш ва назорат қилиш мақса-

дида мажмуада жорий, оралик, босқичли ва якуний назоратлар амалга оширилади.

Мажмуани муваффақиятли тугатган ўқувчиларга меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи касб малакаси бўйича давлат намунасидаги диплом берилади. Якуний назоратдан ўта олмаган ўқувчилар учун қайта якуний назорат ташкил этилади. Қайта якуний назоратдан ўта олмаган ўқувчиларга касбий таълим олганлиги тўғрисидаги маълумотнома берилади.

Бундан ташқари қуйидагилар тасдиқланди:

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини жиҳозлаш учун талаб этиладиган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар рўйхати;

2018–2020 йилларда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш дастури; Чақирувга қадар бошлангич тайёрларлик ўқув хонасини жиҳозлаш учун талаб этиладиган асбоб-ускуналар рўйхати.

Ҳужжат 2017 йил 24 октябрдан кучга кирди.

Янги иш жойлари – давлат буюртмасига биноан

Вазирлар Маҳкамасининг 28.10.2017 йилдаги 877-сон қарори билан Меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Давлат буюртмаси қандай шакллантирилади

Давлат буюртмаси икки йўналиш бўйича шакллантирилади:

➤ иш ўринларини ташкил этишга – ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш учун зарур ташкилий-техник тавсифларга эга бўлган муайян миқдорда иш ўринларини ташкил этишни таъминлаш юзасидан иш берувчиларга берилган топширик;

➤ кадрлар тайёрлаш учун – меҳнат бозори эҳтиёжини малакали кадрлар билан таъминлаш учун зарур касбий малака хусусиятларига эга бўлган му-

тахассисларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан олий, ўрта махсус, касб-хунара ва умумий ўрта, шу жумладан нодавлат таълим муассасаларига берилган топширик.

Иш ўринлари ташкил этиш давлат буюртмаси меҳнат ресурсларини жалб этиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда банд бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун келгуси йил учун шакллантирилади.

Янги иш ўринларига эҳтиёжнинг прогноз пара-

метрлари ташкилотлар давлат ва ҳўжалик бошқарувининг юқори турувчи органларига, улар бўлмаган тақдирда ҳокимиятларга топширилади. Улар давлат буюртмасини тасдиқлайди ва уни Меҳнат вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига юборади. Сўнгра у Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурига киритилади ва кейинчалик Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Кадрлар тайёрлаш учун давлат буюртмаси тегишли равишда тайёрланади. У Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига киритилган мутахассисликлар ва малакалар бўйича аниқланади. Дарвоқе, давлат буюртмасини шакллантиришда Классификаторга янги мутахассисликлар киритилиши ёки талаб бўлмаган мутахассисликлар бекор қилиниши мумкин.

2-бетда

Ушбу
сонда:

Уй-жой соҳаси
ислохотлар бўсағасида

3-6-БЕТЛАР

Қувурларни ўз ҳисобидан ўзгартиришни
талаб қилиш эмас, таклиф қилиш лозим

8-БЕТ

Ижара шартномасини
қайта тузиш шарт

Янги иш жойлари – давлат буюртмасига биноан

Давлат буюртмасини амалга ошириш учун субсидия ажратилади

Иш ўринларини ташкил қилиш ва кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини олган ташкилотлар ва таълим муассасалари Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан фойсиз ссуда тарзида қайтариладиган субсидия ажратилиши учун талабгор бўлиб чиқишлари мумкин. У битта иш ўрни ёки давлат буюртмаси бўйича кадрлар тайёрлаш мақсадида ташкил қилинган битта ўқувчининг

ўрнига қараб, 3 йилгача бўлган муддатга ЭКИХнинг 12 баробаридан ошмаган қийматда тақдим этилади. Бунда ссуда олувчилар иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси дастурига киритилган бўлиши ва солиқ қарздорлиги, тижорат банкларининг кредитлари бўйича кечиктирилган қарзлари бўлмаслиги керак.

Уни олиш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

➢ ссуда олиш учун ариза;

Газ плиталари ва сув иситгичларнинг хавфсизлиги регламентланди

Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2017 йилдаги 880-сон қарори билан Газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи аппаратларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент тасдиқланди.

Ҳужжат оқат тайёрлаш, иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш учун мўлжалланган газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи ускуналар ва уларнинг тарихий қисмларига тааллуқли. Унинг талаблари қуйидаги ускуналарга таъбиқ этилмайди:

➢ газдан мотор ёқилғиси сифатида фойдаланиладиган;

➢ давлат мудофаа буюртмасига асосан олиб келинадиган;

➢ sanoat корхоналаридаги технологик жараёнларда ишлатиш учун мўлжалланган.

Техник регламент газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи ускуналар учун минимал даражада зарур бўлган талабларни ўз ичига олган бўлиб, уларни бажариш портловчи-ёнгин, электр, механик, термик ва экологик хавфсизлигини таъминлайди.

Ўрнатилган талабларга амал қилиниши устидан

ИИВ Интернетни туну-кун мониторинг қилади

Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2017 йилдаги 882-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг матбуот хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

У ИИВ Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармаси оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда вилоятлар ИИББ Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармалари матбуот гуруҳлари негизида ташкил этилмоқда. Матбуот хизматини ИИВ Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси

(кейинги ўринларда – Бошқарма) бошқаради. Бошқарма бошлиғи бир вақтнинг ўзида вазирнинг матбуот котиби саналади.

Матбуот хизмати тизимига қуйидагилар қиради: Бошқарма, «Postda» – «На посту» газеталари ва «Qalqon» – «Ўқит» журналлари бирлашган таҳририяти, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг

➢ ссуда берилишининг мақсадга мувофиқлигини техник-иқтисодий асослаш ва унинг қайтарилиши кафолати;

➢ охириги ҳисобот даври учун солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида солиқ органлари маълумоти, шунингдек, кредитлар бўйича муддати ўтган қарзлари мавжуд эмаслиги ҳақида хизмат кўрсатувчи тижорат банкдан маълумотнома;

➢ ссуда қайтарилишини таъминлаш, шу жумладан гаров, кафиллик, банк кафолати ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминлаш турлари.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 31.10.2017 йилдан кучга кирди.

давлат назоратини қуйидагилар ўрнатади:

➢ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси;

➢ Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

➢ ИИВ ҳузуридаги ёнгин хавфсизлиги давлат хизмати;

➢ Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

➢ Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги ҳамда ваколати доирасида бошқа ваколатли давлат органлари.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 1.05.2018 йилдан кучга қиради.

матбуот гуруҳлари ҳамда ИИО тармоқ хизматлари ва таълим муассасаларининг матбуот гуруҳлари.

Матбуот хизматининг вазифаларидан бири – ОАВ ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи материалларини туну-кун мониторинг ва таҳлил қилишни таъминлаш, нотўғри хабар ёки ИИО обрўсига путур етказувчи материалларга зудлик билан муносабат билдириш қиради.

Бундан ташқари, 2017 йил 1 декабрда бўлган муддатда жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлган жиноят ва воқеаларни ўз вақтида ва ишончли ёритиш тартибини тасдиқлайди, шу жумладан, ИИО мазкур масалалар бўйича ваколатли масъул ходимларининг эфирга чиқишларини ташкил этади.

Ҳужжат 1.11.2017 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, Олег Заманов, Сардор Жумашов, «Norma Online» экспертлари.

НОРМАТИВ ЛОЙИХА

Иш ўринлари ким учун банд қилиб қўйилади

ҚХТБТ порталида Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси жойлаштирилди.

Маълумот учун: ҳозирда амалда бўлган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2008 йилдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган.

Тақдим этилган лойиҳа қуйидагиларни ўз ичига олган:

➢ юқорида кўрсатилган Низомнинг янги таҳририни;

➢ жазони ўташ муассасаларидан озод этилган ёки суд қарори асосида тиббий хусусиятдаги мажбурий чоралар қўлланилган маъмурий назорат ўрнатилган шахсларни иш билан таъминлаш қоидаларини.

Лойиҳа билан ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар рўйхатини кенгайтириш кўзда тутилган.

Шу тариқа қуйидагилар учун қўшимча квоталар жорий этилмоқда:

➢ Олийгоҳлар битирувчилари – «бюджетчилар». Амалдаги таҳрирда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки иш топишда қийналаётган шахслар қаторига киритиш учун битирувчининг таълим олиш тури (шартнома ёки грант) кўрсатилмаган;

➢ СЧРда хизмат ўтаган шахслар¹;

➢ маъмурий назорат ўрнатилган шахслар²;

➢ одам ўғриси қурбонлари³.

¹Сафарбарлик қақурув резерви (СЧР) – қақурувдагилар томонидан олий йўғимлар тарзидаги пуллик бадаллар киритилишини кўзда тутувчи ҳудудий тамойил бўйича ташкиллаштириладиган хизмат тури.

²Маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасаларидан тарбиявий-профилактик таъсир ва қонунчиликда кўзда тутилган чекловлар чораларини қўллаш шарти билан озод этилган шахслар устидан белгиланади.

³Мажбурий иш ёки хизмат, қуллик ёки қулликка тенглаштириладиган урф-одатдан, бошқа шахс томонидан фоҳишалик эксплуатацияси ёки жинсий эксплуатациянинг бошқа шаклларида, мажбурий ҳолат ёки одамнинг аъзолари ва тўқималарини олишдан жабр кўрган шахс.

Лойиҳада «ногирон», «пенсиядан олдинги ёш», «одам савдоси қурбонлари» каби тушунчаларга тавсифлар берилган.

Банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг чегаравий сони ўртача ходимлар рўйхатида 7% эди, энди у 10%гача оширилди.

Банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари сонини аниқлаш бўйича махсус комиссиянинг таркиби раҳбарлар орасидан камида 7 кишини ўз ичига олади, булар:

- туман (шаҳар) Бандликка қўмаклашиш маркази;
- статистика органи;
- «Маҳалла» жамғармаси;
- Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи;
- Соғлиқни сақлаш бирлашмалари;
- Хотин-қизлар қўмитаси.

Таъкидлаш керакки, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Бу муҳим! Иш ўринларини банд этиш бўйича давлат органининг қарорини бажармаганлик ҳамда белгиланган минимал иш ўринлари ҳисобига йўналтирилган шахсларни ишга жойлашда асосланмаган рад жавоби учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган (МЖТКнинг 49–50-моддалари).

Лойиҳага ўзгартириш, қўшимчалар киритилиши ёки у рад этилиши мумкин.

Ленара Хикматова, «Norma Online» эксперти.

УШБУ СОНДА	• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Янги ҳужжатларни... ақдим этимиз 1-2-бетлар	• БИЗ ЯШАЙДИГАН ҲАҚ – Бурилиш нуктасига келдик. У қаерга олиб боради? – Масъулиятсизлик учун жавобгарлик – Маълумотномалар ўтмишда қолади 3-6-бетлар	• КАДРЛАР БЎЛИМИ – «Қоғозли» меҳнат дафтарчаларини тўлдириш 2021 йилдан бекор қилинади 7-бет	– Ижарага берилган мол-мулкни муддатидан олдин қайтармоқчимиз – Асосийси – мувофиқ келиш – Товарлар берилишини ҳужжатли расмийлаштириш 8-бет
	• НОРМАТИВ ЛОЙИХА – Иш ўринлари ким учун банд қилиб қўйилади 2-бет		• ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ	

Таҳририй аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маспахатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайлаштириш, тарқатишга **ҲАҚАТ «NORMA» gazetalari birlashgan tahririyati** МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



МУНДАРИЖА:

- ✓ Бурилиш нуқтасига келдик. У қаерга олиб боради?..
- ✓ Масъулиятсизлик учун жавобгарлик
- ✓ Маълумотномалар ўтмишда қолади



УКХдаги ислохотлар

Бурилиш нуқтасига келдик. У қаерга олиб боради?..

Уй-жой соҳасидаги туб ўзгаришлар зарурати анчадан буён пишиб-етилган эди. Ниҳоят, улар бошланди. Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган Президентнинг 18.04.2017 йилдаги ПФ-5016-сон Фармони ва Президентнинг 24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон қарори УКХни ислоҳ қилишнинг янги босқичи ва соҳадаги муҳим ўзгаришларни бошлаб берди.

Сўнгги йилларда уй-жой соҳаси ота-онасининг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолган болани эслатарди. Бунинг оқибатида кўп квартиралар уйларнинг (бундан кейин – ККУ) техник ҳолати аянчли аҳволга келди. Бир томондан, уй аҳлининг кўпчилиги умумий мулкни сақлаш билан боғлиқ масалалардан йироқлиги, масъулиятсизлиги, ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлиги бунга туртки бўлди. Уларни уй ҳўжалигини мустақил бошқаришга жалб этиш ва уларга кенг ҳуқуқлар бериш усули ўзини тўлиқ оқламади. Кўпчилик ушбу дастаклардан фойдалана олмади, умумий мулкни бошқариш тизгинини ўз қўлига ола билмади. Ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, уй аҳлининг маблағлари қандай сарфланиши ва таъмирлаш ишлари бажарилиши назорат қилинмаётган жойларга квартиралар соҳибларининг манфаатлари билан қизиқмайдиган тасодифий кишилар келди.

Масаланинг иккинчи томони – ҳокимликларнинг турар жойларни сақлаш, ККУни техник жиҳатдан тутиб туришга доир белгиланган нормалар ва талаблар бузилиши устидан назорат қилиш масалаларига комплекс ёндашувнинг йўқлиги. Кўпгина тузилмалар ширкатларга

*Тахририят ихтилофи вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмақлашнинг вазоклати эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

қўмак бериш учун жалб этилган эди, бироқ бу қўтилган натижани бермади. Аҳоли ХУМШнинг ноинсоф раҳбарлари, чет кишиларнинг ширкатлар ишига ноқонуний аралашувидан шикоят қилар эди. Кўп квартиралар уйларнинг аҳолини яхшилаш мақсадида ширкатларга имтиёзли кредитлар (6–9%лик) олиш имкони берилди, уларнинг ҳисобига кўп қаватли уйлар, уларга туташ ҳудудларнинг бир қисми тартибга келтирилди.

Кўп квартиралар турар жой фондини сақлаш ниятида вертикал бошқарув тизимини яратишга доир комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди. Аксарият уй-жой эгалари буни хавотир билан қарши олдилар: «давлат танобни тортаяпти», «шок терапияси», «ХУМШ ишларига аралашув». Бироқ акс қарашлар ҳам бўлди: «давлат бизни ташлаб қўйди», «лозим даражадаги назорат йўқ», «ҳокимият қаёққа қараяпти?» ва ш.к. Уй-жой соҳасидаги ислоҳот қандай янгиликларга олиб келади? Унинг устувор вазифалари қандай? Давлат кўп квартиралар турар жой фонди бошқарувидаги ўз ролини кучайтириши яхшими ёки ёмонми? Ушбу саволларга Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг (бундан кейин – УЎХВ, Вазирлик) ХУМШ фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Раҳима Ортиқова жавоб беради.

– **Раҳима Раҳимовна, ислоҳот қандай муҳим янгиликларни олиб келади?**

– Ушбу соҳани бошқариш жараёнини такомиллаштириш учун ҳуқуқий асос яратувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар УЎХВда ислоҳот бошланишини таъминлади. Йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш учун ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминловчи тузилма яратиш зарурати юзага келди. Ҳудудий бўлинмалари билан бирга Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ташкил этилиши асосий ҳодиса бўлди. У илгари тарқоқ бўлган сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, уй-жой соҳасини бир қўл остида бирлаштирди. Уй-жой секторидagi вазифалар сирасида ХУМШ фаолиятини мувофиқлаштириш ва молиявий-ҳўжалик фаолиятини мустаҳкамлаш, ККУни сақлаш талабларига риоя этилиши устидан назорат қилиш, уйларнинг техник ҳолатини мониторинг қилиш, турар жой фондидан фойдаланиш шароитини яхшилаш дастурларини ишлаб чиқиш ва бажарилишини уюштириш ва ҳ.к. киради.

Ислоҳот доирасида Вазирлик амалга ошираётган муҳим янгиликлар – 2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури (бундан кейин – Дастур); «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ДУКнинг (бундан кейин – ТТХ); «Ягона ҳисоб-китоб

маркази» ДУКнинг (бундан кейин – ЯҲМ) ташкил этилиши; умумий мулк ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар жой ҳамда нотурар жой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари энг кам миқдорларининг тасдиқланиши; ХУМШ раислари «Коммуналўқув» ўқув-услубий марказида ўқиганидан кейин сертификат мавжуд бўлганда сайланиши; Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасидаги назорат инспекцияси, Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилишидир.

**Юқорига – мумкин,
қуйига – мумкин эмас**

– **Сухбатимизни ПҚ-2922-сон қарор УЎХВ зиммасига ҳар йили мажбурий бадалларнинг энг кам миқдорларини тасдиқлаш мажбуриятини юклаганидан бошласак. Ушбу нормани киритиш заруратини нима тақозо этди? Ҳуқуқий нуқтаи назардан олганда бу – амалдаги қонунчиликка зид. Зеро уй-жойлар мулкдорлари уйнинг техник ҳолати, ишлар режаси, у ёки бу таъмирлаш ишларини бажариш заруратидан келиб чиққан ҳолда мажбурий бадал миқдорини ўзлари белгилашлари керак.**

– Бу мавжуд вазиятда мажбурий чора. Кўп хонадонли уй-жой фонди аҳоли мониторинги кўрсатишича, мажбурий бадаллар миқдори аксарият ҳолларда УЎХВнинг техник ҳолатини ҳисобга олмайди. Уй аҳли жуда кичик тарифларни белгилайди, айти пайтда уйлар кўпроқ қўйилмаларга муҳтож бўлади. Масалан, Тошкентдаги баъзи 9 қаватли уйларда бадал миқдори 1 м² учун 180–200 сўмини ташкил этади. Аслида лифтларга эга уйлар – кўпроқ харажат талаб қиладиган вариант. Уларни бу пулга қандай тутиб туриш мумкин? Ҳатто виллоятлардаги уларга ўхшаш уйларда бадал миқдори кўпроқ – 1 м² учун 400–500 сўм.

Бугунги кунда ширкатлар асосан кредитлар ҳисобига уйларни тартибга келтирмоқдалар. Каттароқ, серха-



Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

ражат ишлар учун улар 10 йилгача муддатга ажратилмоқда. Бу пуллари мажбурий бадаллар ҳисобига йиғиш ва қайтариш зарур. Қанчалик хоҳлашмасин, бироқ мулкдорлар қарз маблағларини тўлаётганда зиммаларидаги юк ошишига, бу бадал миқдорида акс этишига тайёр туришлари лозим. Буларнинг барини аҳолига тушунтириш керак. Мулкдорлар таъмирлаш ишлари ўтказилишини талаб қиладилар, бироқ бадал миқдори оширилишини истамайдилар. Бусиз мақсадга қандай эришиш мумкин?

Бадал зарурий ишларни бажаришда эҳтиёжни қопламаса — бу ХУМШ раҳбарларининг укувсизлигини кўрсатади. Демак, улар уй аҳлига устувор вазифалар моҳиятини: бадаллар нима учун йиғилишини, уйни тартибга келтириш учун унга қанча пул сарфлаш зарурлигини етказа олмайдилар. Ширкат раиси буни кўрмаса ва англамаса, уйни сақлаш учун буни мутахассислар қилиши керак. Шу сабабдан ҳам кўп **хонадонли уйларни сақлаш бўйича белгиланган нормалар ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда** мажбурий бадалларнинг энг кам миқдорларини тасдиқлаш талаби қўйилди. Zero уй-жой фонди сақланиши учун давлат масъул. Мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор вазифаларидан бири — аҳоли яшashi учун қулай шароитлар яратиш.

— **Энг кам бадални ишлаб чиқаётганда нималарга асосландилар? Zero кўп хонадонли уйларнинг техник ҳолати турлича.**

— Бу республика ёки шаҳардаги кўп хонадонли уйларнинг барчаси учун ягона тариф бўлмайди. Биз табақалаштирилган ёндашувни сақлаб қолишга уринаймиз. Энг кам бадаллар минтақалар, уйларнинг қавати, майдони, конструкцияси, техник ҳолати, бошқа параметрларига қараб ҳисобланади. Бу энг қуйи планка бўлиб, ундан кам белгилаш тақиқланади, юқори қилиб белгилаш эса, моҳиятан олганда, мумкин бўлади. Энг кам бадалга ҳар йили тузатиш киритилади: юқорида кўрсатилган кўрсаткичлардан келиб чиқиб пасайтирилади ёки оширилади.

Айни пайтда УКХВнинг шаҳар ва туман бўлинмалари ходимлари бутун республика бўйича ККУни мониторингдан ўтказмоқдалар. Уйларнинг паспортларини тузмоқдалар. Биз умумий мулкни таъмирлаш ва сақлаш учун калькуляцияни тайёрладик. Белгиланган талабларга кўра ўхшаш конструкцияга эга бўлган: икки, уч, тўрт, беш, етти, тўққиз қаватли уйларнинг аҳоли ўрганилмоқда.

Мамлакатимизда 33 000 дан ортиқ кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатувчи 4 000 дан зиёд ХУМШ фаолият кўрсатмоқда. Бундай уйларнинг 60%и Тошкентда жамланган. Аксарият қисми 1960–1991 йилларда қурилган бўлиб, техник аҳолига мос равишда маблағлар киритилишини талаб қилади.

Тўғри, бу биз учун улкан ва янги иш. Ертўлалардаги қувурларнинг метражини, жорий ва капитал таъмирлашга харажатларни ҳисоблаш, лифтлар, муҳандислик коммуникациялари, йўлаклар, фасадлар ҳолатини ўрганиш лозим. Қурилиш материаллари ва конструкцияларига талаблар, улардан фойдаланиш муддатларини ҳисобга олиш керак — буларнинг барчаси уйлардаги муаммолар ва устувор вазифаларни аниқлаш, уларни лозим даражадаги техник ҳолатда тутиб туриш учун зарур бўладиган бадал миқдорини малакали равишда ҳисоблашда ширкатларга ёрдам беради. Кредит маблағлари ҳисобига тартибга келтирилаётган кўп қаватли уйлар эътибор марказида. Ширкатларнинг кредит тарихи ўрганилмоқда: кредитлар қандай ишларга, неча йилга олинган, қанча сумма сундирилган, қанча тўлаш қолган ва ҳ.к.

— **Аҳоли энг кам бадал миқдори малол келадиган даражада юқори бўлиш-бўлмаслигини муҳокама қилаяпти.**

— У уйни сақлаш реал эҳтиёжларига мувофиқ бўлиши ҳамда кўп қаватли уйнинг техник параметрлари ва аҳолига қараб ўзгартириладиган бўлиши керак.

Таъмирлаш дастурига қандай қилиб кириш мумкин?

— **КП-2922-сон қарор билан 2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури тасдиқланди. Бу учинчи давлат дастуридир. У кўпроқ наф келтириши учун нималарни назарда тутиш зарур? Дастур доирасида таъмирлаш ишлари ўтказилишини ким назорат қилиши керак?**



— Ҳозирги вазиятда УКХВ, аниқроғи, унинг таркибий бўлинмалари: УКХ бошқарма ва бўлимлари, Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасидаги назорат инспекцияси тимсолида Дастурнинг амалга оширилиши устидан давлат назорати кучайтирилган.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Бироқ, аввало ХУМШ: бошқарув раиси, аъзолари, тафтиш комиссияси томонидан назорат таъминланиши керак, албатта. Уй аҳоли уйни яхшилашга маблағлари сарфланаётганда ўзларини нари олишлари керак эмас. Ўз хонадонларини таъмирлаётганларидек ёндашишлари лозим. Ана шунда Дастур 100 фоиз ишлайди. Мулкдорларнинг маблағлари самарали сарфланиши учун ширкат пудратчини танлашда, шартномалар тузишда, материаллар сотиб олишда жуда эътиборли бўлиши шарт.

Дастур 3 қисмдан иборат. Булар тижорат банкларининг кредитлари ва ХУМШ маблағлари ҳисобига ККУни мукамал ва жорий таъмирлаш; туташ ҳудудларни ободонлаштириш, бунга бюджет маблағлари ва УҚХВнинг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармиси маблағлари йўналтирилади. Кўп қаватли уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштиришга бюджет маблағлари, ширкатларнинг маблағлари, халқаро молия ташкилотларининг кредитлари, лизинг жалб этилади.

– **Дастурга кўра умумий мулкни мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари фақат турар жой мулкдорларининг маблағлари ва ўз ҳисобидан қоплашларига тўғри келадиган кредитлар ҳисобига бажарилар экан. Бу ерда давлат кўмаги назарда тутилмаганми? Аввалги давлат дастурларига 30% ХУМШ қўйилмалари киритилар, давлат кўмаги 70%ни ташкил этарди.**

– Дастурнинг ушбу қисмида ҳам давлат кўмаги берилади. Бу кредитлар олиш имкониятидир. Бунинг устига, ширкатлар учун уларни олиш механизми етарлича ишлаб чиқилиб, оммабоп тусга эга бўлди.

Таъмирлашга бериладиган кредитлар узоқ вақт сўндирилиши – ширкатлар учун фойдали. Дастур доирасида улар 5 йилдан 10 йилгача муддатга берилади. ХУМШга фоизларни тўлашнинг имтиёзли даври – 3 йилгача берилади, шундан кейин кредитнинг ўзи сўндирилади. Бу ХУМШ аъзолари зиммасидаги кредит юкни камайтиради.

Давлат кўмагининг яна бир компоненти мавжуд. Кредит олаётганда гаров таъминоти зарур. Бир қатор мамлакатларда ширкатлар ёки кондоминиумларни кредитлаётганда турар жой мулкдорларининг хонадонлари гаровга қўйилади. Бизда янада инсонпарварлик билан ёндашилмоқда. Ширкатлар кредитларни олаётганда мулкдорларининг хонадонлари гаров нарсаси бўлиши мумкин эмас. Дастлабки даврларда ХУМШ ҳокимликлар қаролати остида кредитланаётган эди. Ҳозир сугурта полиси расмийлаштирилмоқда, айримлар кафилликдан фойдаланмоқда.

– **Бироқ айни пайтда ширкатлар 14%лик кредитларни олаётдилар. Агар у 10 йилга 70 млн сўм олса, фақат фоизлар тўлови 59 млн сўмни (!!!)**

ташкил этади. Умумий тўлов суммаси – 129 млн сўм. Бу ХУМШ аъзолари учун жуда оғир юк. Кўпгина ширкатлар кредитлар ҳисобига ҳудудларни ободонлаштирдилар, лифтларни таъмирладилар, бироқ қарз маблағларини ҳали анча тўлашларига тўғри келади. Улар янги Дастурга қирадиганлар билан тенгсиз вазиятга тушиб қолаётган бўлиб чиқади. Унинг иштирокчилари учун лифтларни таъмирлаш ва ҳудудни ободонлаштириш қисмида бюджетдан, УҚХни ривожлантириш жамғармасидан маблағлар жалб этилиши назарда тутилган. Кўпчилик уй хўжалиги мутахассислари бунга фақат ўз ҳисобидан амалга оширганлар учун кредитни сўндириш талабларини қандайдир йўл билан енгиллаштириш адолатдан бўлар эди деган фикрда. Ширкат қандай қилиб Дастурга кириши мумкин?

– Айни пайтда ККУнинг техник ҳолати мониторинг қилинмоқда. Дастурга кириш учун ширкат уйларнинг унга киритилиши заруратини тўғри асослаб бериши, ушбу ахборотни Вазирлиқнинг бошқармалари ёки бўлимларига тақдим этиши шарт. Коммунал хизматлар ягона биллинг тизими барпо этилиши билан ушбу механизм соддалаштирилади. Ана шу мақсадда Ер-геодезикада давлат кўмитаси билан ҳамкорликда кўп хонадонли уйларнинг ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш устида иш олиб борилмоқда, у мунтазам янгиланб турилади.

– **Ҳуқуқий соҳадаги яна бир янгилик – Кўп қавратли уйларни капитал ва жорий таъмирлаш учун маблағлар тўплаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 1.08.2017 йилдаги 570-сон қарорига 1-илова). Унда таъмирлаш учун тўплаш ҳисобварақларини очини, уларга бадалларнинг 30%идан 80%гача қисмини ўтказиш назарда тутилган. Ҳужжатни татбиқ этиш амалиёти ХУМШ раҳбарларининг шикоятларига сабабчи бўлди, бунда айрим банклар ширкатлар ўрнига ҳисобнамалардан қанча фоизни уларнинг депозитига ўтказишни ҳал қилганлар, ширкатлар бунга қўшилмаган ҳолда асосий ҳисобварақни блоктировка қилганлар. Аслида ажратмаларнинг миқдори умумий йиғилиш томонидан тасдиқланиши лозим бўлса ҳам, бир қатор банклар энг юқори планкага таянган ҳолда асоссиз равишда уларнинг 80%ини талаб қилганлар.**

– Ҳужжат ширкатларга кредитларни ўз вақтида сўндиришда ёрдам бериш ниятида қабул қилинган. Биз ХУМШ билан банклар ўртасида юзага келадиган муаммоларни ечишга ҳаракат қилдик. Ажратмалар миқдори асосли бўлиши шарт. Ширкат раиси уни тўғри ҳисоблай олмаса, туман УҚХ бўлимига мурожаат қилиши керак, у ердагилик бу ишда ёрдам берадилар.

Хужжатда уч тарафлама: ХУМШ – банк – туман УКХ бўлими томонидан битим тузилиши назарда тутилгани бежиз эмас. Вазирлиқнинг вакили ширкатдаги уйларнинг аҳволи қандай эканлиги, кредит юки қанчалиги, бадаллар қанчалик йиғилишидан хабардор бўлади. Улар тумандаги тузилма билан алоқада бўлиши, у билан маслаҳатлашиши лозим. Бу вазиятда у банк билан ширкат ўртасида боғловчи бўгин ролини ўйнайди.

Ажратмалар фоизи умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади. 80% – энг юқори планка. Қарийб 1 миллиард сўмлик кредит маблағлари олган ХУМШлар бор. Ана ўшаларда ажратмалар 80% атрофида ўтказилса керак. Акс ҳолда уларни сўндиришнинг иложи бўлмайди. Бадаллар йиғилиши қониқарли даражада бўлган жойларда фоизлардан тежаш ва янги кредит олишни кўзлаб, қарз маблағларини муддатидан аввал қайтаришга уринадилар. У ерда ажратмалар миқдори камроқ бўлиши тайин.

Малакали ёндашувни таъминлаш, рақобатни жонлантириш йўлида

– *Хужжатлардан келиб чиқилса, уй-жой хизматлари бозорида «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ДУК жиддий ўйинчига айланиши мумкин. Нима сабабдан ушбу давлат тузилмаларини ташкил этиш зарурати юзга келди?*

– Давлатимизнинг уй-жой соҳасидаги стратегияси кўп хонадонли уйларнинг техник жиҳатдан сақланишига малакали ёндашувни таъминлашга йўналтирилган. ТТХнинг асосий мақсади – малакали хизматлар кўрсатиш. Улар техника, механизмлар, малакали мутахассислар билан бутланади. Давлат уларни ширкатларга кўмак бериш ниятида тузмокда. Зеро аксарият ХУМШ раҳбарлари техник маълумотга эга эмас, ишлар режасини, даромадлар ва харажатлар сметасини тўғри тузиш, бадал миқдорини ҳисоблаш, устувор вазифаларни ва ишларнинг навбатини белгилаш қўлларидан келмайди, хизматларни кимга буюртиришни билмайдилар ва

ҳ.к. ТТХ бунда ширкатга шартномавий асосда ёрдам беришга тайёр. У уй ҳўжалигига тўлиқ хизмат кўрсатиш ёҳуд айрим ишларни бажариш учун унга буюртма бериши мумкин. Ушбу тузилмалар бутун республика бўйича фаолият юритади. Айни пайтда уларни ташкил этиш ишлари олиб борилмокда.

– *Уй-жойлардан фойдаланиш идораларига (жэк) ўқшах тузилма бўладими?*

– Йўқ, бу идоралар ҳам давлат тузилмалари эди. Бироқ ўшанда кўп квартиралар турар жой фонди давлатга қарашли бўлиб, қандай қилиб ва қачон уйларни таъмирлаш, жорий хизмат кўрсатишни у ҳал қилар эди. ТТХ буюртмачилари ХУМШ бўлади. Ширкат аъзолари қандай ишларни бажариш зарурлигини, уларни кимга: хусусий ёки давлат тузилмасига буюртиришни умумий йиғилишда ҳал этишлари керак бўлади. ТТХнинг ташкил этилиши уй-жой хизматлари бозоридаги рақобат муҳитини жонлантириши даркор.


– *Хусусий йўсинда ишловчилар техник жиҳатдан яхши жиҳозланган, кенг имтиёзлар берилган давлат тузилмалари билан рақобатлаша оладиларми? Бошқарув компанияларнинг келгусидаги тақдири қандай бўлади? Таъмирлаш-тиклаш хизмати уларни бозордан сиқиб чиқармайдими?*

– Бу хусусий йўсинда ишловчиларга боғлиқ. Бошқарув компаниялари бозорда қолади. Бироқ унда бозор механизми амал қилади. Истеъмолчи сифатлироқ, мақбул нархдаги хизматни афзал кўриши лозим. Бироқ кўпинча ширкат тасодифий пудратчиларни танлайди. Улар ишни сифатсиз бажарадилар, буни қайта тўғрилатиш учун уларни топиш мушкул бўлади. ТТХда кимдан талаб қилишни биласиз. Булар шартномада қайд этилган хизматлар сифати учун жавобгарлигини қафолатловчи давлат тузилмалари бўлади. Улар авария хизмати сифатида ҳам ишлайдилар. 2022 йилгача ТТХ барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинади. Улар учун қурилиш материаллари тартибга солинадиган нархларда ажратилади. Ҳар бир хизматга калькуляция тузилади. Буларнинг бари уларнинг хизматларини арзонлаштириши керак. Хусусий компаниялар бозордаги ўрнини сақлаш учун планкани юқори тутиши зарур бўлади.

Ҳисоб-китоб марказлари бухгалтерлар ўрнини босадими?

– *УКХ вазирлиги ҳузурида «Ягона ҳисоб-китоб маркази» ДУК ташкил этилмокда. Унинг фаолият соҳасига нималар киради?*

– ТТХ ширкатларга кўп квартиралар уйларни техник жиҳатдан сақлаш хизматларини кўрсатса, ЯҲМ бухгалтерия ҳисобини юритиш, маслаҳат бериш, мажбурий бадалларни йиғиш хизматларини тақдим этади. У ҳам



шартномавий асосда амалга оширилади. Давлат марказлари баланс, солиқ ва статистика ҳисоботларини тайёрлашда ширкатларга ёрдам беради. Улар электрон бухгалтерия ҳисоби дастурида ишлаб, коммунал хизматлар биллинг тизимига ахборот узатадилар.

ЯХМнинг яна бир йўналиши – қарздорликни ундириш иши. Бу юридик хизматнинг алоҳида ҳуқуқи бўлиб, бухгалтерия ҳисоби бўлими мажбурий бадаллар бўйича қарздорлар ҳақидаги маълумотларни унга тақдим этади. Қарздорлик 3 ойдан ортиқ вақтдан буён тўланмаганда турар жой мулкдорига уни белгиланган тартибда сўндириш зарурлиги тўғрисида кўрсатма йўлланади. Агар уни кўрсатилган муддатда тўламаса, юрист суд учун ҳужжатларни тайёрлайди ва ширкат номидан даъво аризаси беради.

ХУМШ мажбурий бадалларни йиғиш хизматини ЯХМга буюртириши мумкин. Унинг ходимлари коммунал хизматлар сингари микрорайонларга сайёр кассаларни уюштирадilar, қарздорлик тўғрисидаги квитанцияларни тарқатадилар, бадалларни йиғадилар. Бу иш ХУМШ раислари билан ҳамкорликда бажарилиши мумкин, улар уй ахлига бадалларни ўз вақтида тўлаш мажбурияти, тўлов муддатларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик ҳақида эслатадилар, уйда қандай ишлар ва таъмирлаш ўтказилиши, тўловлар тўланмаса улар тўхтаб қолиши мумкинлигидан бохабар қиладилар. ХУМШ хизматларнинг тўлиқ пакетини ёхуд улардан айримларини буюртириши мумкин. Марказлар республикамизнинг шаҳар ва туманларида тузилмоқда.

– Ширкатда малакали бухгалтер бўлса, ХУМШда ишлашда давом этиши мумкинми ёки унинг иши ҳисоб-китоб марказларига топшириладими?

– ХУМШда бухгалтерия юритишга малакали ёндашиш мақсад қилинган. Ширкат танлаш ҳуқуқига эга. Албатта, малакали бухгалтер ширкатдаги ишини давом эттириши мумкин. Бироқ коммунал хизматлар ягона биллинг маркази ташкил этилганда у биллинг тизимига маълумотлар киритилиши учун ЯХМга ҳисоботлар топширишига тўғри келади.

Раислар ўқиб-ўрганадилар

– Энди ХУМШ бошқаруви раиси «Коммуналхўке» ДУКда ўқиб, сертификат олганидан кейин туман УКХ бўлими билан келишилган ҳолда сайланиши ҳусусида сўз юритсак. У умумий йиғилиш қарори асосида туман УКХ бўлимининг тақдимномасига кўра лавозимидан озод этилади. Бунда аниқлашловчиликлар юз бермайдими? Туман бўлими принципиал, мурасасиз, халқ сайлаган номзодни рад этиб, умумий йиғилиш қарорини эътиборсиз қолдирмайдими? Бунда қайси бири биринчи ўринда туради: умумий йиғилиш қарори ёки туман УКХ бўлимининг фикри?

– Умумий йиғилиш қарори ва билим даражаси сертификати билан тасдиқланган раиснинг мулкдорлар томонидан танланиши устувор саналади. ХУМШ аъзолари мурожаатлари таҳлилининг кўрсатишича, уйларнинг техник аҳволи ёмонлигидан эмас, балки бошқарув раислари устидан шикоятлар биринчи ўринда (80%дан ортиқ) туради. Одатда, раҳбар уйни бошқариш ва унга хизмат кўрсатишни қандай тўғри ташкиллаштиришни, ХУМШ аъзолари билан муносабат ўрнатишни билмаган жойда, у қонун ҳужжатлари асосларидан беҳабарлиги боис ихтилофли вазиятлар юзага келади.

ККУга хизмат кўрсатишга малакали ёндашув ширкатларни билимдон кишилар бошқаришини назарда тутди. Кечаги фаррошлар, ҳеч қандай маълумоти бўлмаган кишилар ва қўли эгри, уйни жар ёқасига олиб келиб қўядиган, аҳоли маблагларини талон-торож қиладиган одамлар ишининг бошида туришини ақлга сиғдириб бўлмайди. Бунда нафсониятга берилмаслик даркор. Кўпгина фаолият соҳаларида ходимлар вақти-вақти билан малака ошириб, ўз билим даражаларини тасдиқлаб турадилар. Бу нормал ҳолат. Ушбу талабни ёмон қарши олиш ноўрин. Бу қадам – давлатнинг ширкатларга кўмаги, ХУМШ аъзоларининг ҳимоясидир, одамлар ишининг бошида билимдон киши турганига, уйни сақлашни ва бунинг учун маблагларини унга ишониб топшириш мумкинлигига ишонч ҳосил қиладилар. Аҳоли аввалгидек раисларни умумий йиғилишларда сайлайди. Биргина илтимос: улар нима учун малака ошириш курсларидан ўтишлари шартлигини тўғри қабул қилинг.

Биз таълим бериш тартибини ишлаб чиқдик. Бу бир ҳафталик курс бўлиб, унинг якунида раис тестдан ўтади, сертификат, уйларни техник жиҳатдан сақлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини олади. Курслар тўлов эвазига ўтказилади. Тестдан ўтмаганлар раис бўлиб ишлаш олмайдилар. Уй ҳўжалигини сақлаш ҳақида оддий тасаввурга эга бўлмаган кишига умумий мулк ва маблағни қандай ишониб топшириш мумкин?

Раис номзоди туман УКХ бўлими бошлиғи билан келишилиши ҳусусида тўхталсак. Бу тузилма ширкатларга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилганини англаш муҳим. Ширкатлар йўлига тўсқинлик қилиш эмас, балки улар йўлидаги тўсқинларни бартараф этиш мақсади кўзланган. Унинг ишини Вазирлик назорат қилади ва баҳо беради. Туман УКХ бўлими ХУМШнинг самарали ишлаши, раислар устидан шикоятлар камайишидан манфаатдор. Уларнинг ишини баҳолашда бу асосий далил бўлиб хизмат қилади.

– Бизда билимдон ширкат раислари бор. Улар ҳам ўз даражаларини тасдиқлашлари керакми?

– Ҳа, бу талаб ҳамма учун бир хил.

– ХУМШ аъзоларини ўқитиш режалаштирляпми?

– Ҳозирча фақат раисларни ўқитиш назарда тутилган. Уй аҳлига келсак, бошқа йўлни танлаш: малакали, таълим олган ширкат раиси орқали уларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида хабардор қилиш кўзланмоқда. «Энг намунали уй», «Энг яхши ХУМШ», «Энг фаол ширкат аъзоси», «Энг ораста ҳовли» ва шу сингари танловлар ўтказишни ният қилаёпмиз. Буларнинг бари шу усул билан аҳоли хабардорлигини оширишга қаратилган. Бундан ташқари, ХУМШ фаолияти ва уй-жой соҳасини ислоҳ қилиш масалалари ОАВда кенг ёритилмоқда. Уй ҳўжалигини бошқариш асосларини содда ва таъсирчан тарзда одамларга етказувчи ТВ видеороликлари аҳолининг кенг қатламини қамраб олиш имконини беради.

Мулкдорлар жамоаси кредит олиши мумкинми?

– *Кўп квартиралли уйнинг ХУМШ ташкил этмаган ҳолда мулкдорлар жамоаси томонидан бевосита бошқарилиши варцанти учун қандайдир ўзгартиришлар назарда тутилганми?*

– Кўп квартиралли уйларни бошқаришда ХУМШ афзал қўрилади. Уй-жой соҳасини ислоҳ этишда улар асосий фаолият юритувчи шахслар бўлиб чиқади. Бироқ қонун ҳужжатларида етарлича тартибга солилмаганига қарамай, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда мулкдорлар жамоаси томонидан уйга хизмат кўрсатилишига ҳам йўл қўйилади.

– *Мулкдорлар жамоаси ХУМШ сингари кредит олиши, Дастурда қатнашиши мумкинми? Зеро, бошқарув усулидан қатъи назар, ислоҳот барча кўп квартиралли уйларнинг техник аҳолини ва барча аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга йўналтирилган.*

– УҚХни ислоҳ қилишга доир янги ҳужжатларда бу масалалар акс эттирилмаган, бироқ келгусида уларга ҳуқуқий жиҳатдан ишлов берилади деган фикрдаман. Кредитлар, Дастурда қатнашиши имконияти юридик шахслар: ХУМШ, банк, ККУга хизмат кўрсатувчи профессионал ташкилот муносабатларини назарда тутди. Ширкат тузилмаган уйдаги турар жойлар мулкдорлари уй кенгашига (уй кенгаши раисига) юридик шахс (БК ёки ДУК) билан умумий мулкка хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш ҳуқуқини берса, у уларнинг номидан кредит маблағлари олиши, Дастурга кириши мумкин бўлади.

Ер участкалари билан боғлиқ масала ҳал этиладими?

– *Уй-жой соҳасидаги бир қатор янгиликлар (энг кам бадални белгилаш, ХУМШ раисини тасдиқлаш, туман УҚХ бўлими томонидан унинг лавозимидан*

озод этилиши, депозитга ажратмалар нормативини белгилаш) қонунчилик билан белгиланган ўз-ўзини бошқариш принципини чеклайди. Бу амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қай даражада мувофиқ келади? Қандай янги ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда?

– Бу борада гапингизга қўшилмайман. Ёдингизда бўлсин, бу қадамлар умумий йиғилиш қарори асосидаги ҳужжатлар билан назарда тутилган. Улар кимгадир кескин туюлса ҳам, бундай чора қўришга мажбур бўлинди. Давлат фуқароларнинг хавфсиз яшаши учун масъул, уй-жой фонди буткул таназзулга юз тутишини кутиб, қўл қовуштириб ўтириш мумкин эмас.

Норма ижодкорлиги фаолиятига келсак, ХУМШ раисини танлаш тартиби, ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишларини ўтказишга доир тавсиялар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Олий Мажлисда «Турар ва нотурар жойлардан фойдаланиш, уларни сақлаш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. ПФ-5016-сон Фармон ва ПҚ-2922-сон қарор қабул қилиниши муносабати билан қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

– *ХУМШ ер участкалари билан боғлиқ масалани тартибга солиш кўзда тутиляптими? Аслида улардан фойдаланиш ҳуқуқи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган бўлса ҳам, ширкатларнинг кўпчилиги улардан маҳрум этилганига 10 йилдан ошди. Яна бир муҳим масала. Янги ҳужжатларда «кўп хонадонли уйларга туташ ҳудуд» тушунчасидан фойдаланилган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси шароитида аҳоли яшайдиган жойлар ҳудудларини сақлаш ва ободонлаштиришнинг санитария нормалари ва қоидаларига (0329-16-сон СанҚН, бош давлат санитар шифокори томонидан 6.05.2016 йилда тасдиқланган) биноан «туташ ҳудуд» – мулкчилик, эгаллик, шунингдек ижара ҳуқуқида бўлган турли объектларнинг асосий ҳудуди чегараларига бевосита ёндош, эни 15 метрлик ҳудуд... Бу кўп квартиралли уй жойлашган ва чегаралари кадастр билан белгиланган ер участкасидан ташқари ширкатлар бегона туташ ҳудудларни ҳам сақлашига тўғри келишини аниглайдими?*

– Бу масалалар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Айни пайтда ширкатларга ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Унда уйга ёндош ҳудудларни ободонлаштириш, автомобиль тўхташ жойларини қуриш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз аксини топади.

– *Сухбатингиз учун раҳмат.*



Билиб қўйган яхши

Масъулиятсизлик учун жавобгарлик

Чилонзор 9-мавзесидаги «Қатортол Сервис Люкс» ХУМШ аъзолари раҳбариятдан хат олиб, саросимага тушиб қолдилар. Унда ёзилишича, ВМнинг 2014 йил 20 июндаги қарорига мувофиқ уй аҳли қиш даврига ҳозирлик қўриб, ўз квартираларидаги бутун иситиш тизимини тартибга келтиришлари: металл иситиш устунларини пластикка алмаштиришлари, ҳамма батареяларни ювишлари, қуритиш линиясини ўтказишлари шарт экан. Буларнинг барини 2017 йил 18 октябрда қилишлари шарт бўлиб, акс ҳолда қишда совуқ қотиб ўтирар эканлар, ХУМШ эса иссиқлик берилмаганлиги учун ҳеч қандай жавобгарликни зиммасига олмас экан.

Батареяларга келсак, бу мулкдорларнинг мулки, уларни ўзлари ювишлари керак. Қуриткичлар ҳам жойида бўлиши керак – бу квартира эгаларининг умумий мулки. Иситиш устунларини, бунинг устига аҳоли ўз ҳисобидан алмаштириши буюрилган мавжуд бўлмаган ВМ қарорига ҳавола қилган ҳолда талаб қилиш эса – уй аҳлига очик-ойдин босим ўтказиш ва уларни чалғитишдан бошқа нарса эмас. Эҳтимол – қасддан, балки – саводсизлигидан қилинган ишдир. Квартиралар ичидаги иситиш устунлари турар жой мулкдорларининг умумий мулки ҳисобланади, уларнинг техник ҳолати, шу жумладан алмаштирилиши учун ширкат масъул. Бу вазиятда эса ширкат қатъий шаклда ўз масъулиятини аҳоли зиммасига юклаб қўйгани боис ХУМШ аъзоларида бунинг тўғрилиги хусусида шубҳа туғилди. Акс ҳолда – қишда совуқ қотишлари, ХУМШ эса жавобгарликни ўзидан соқит қилишдан чўчидилар. Уй аҳли аввалига «расмий огоҳлантириш»га имзо чекдилар, кейин эса

бу ерда ким жавобгару, ким бундан холи, аслида қонун бўйича қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўйлаб қолдилар. Бу ҳақдаги хабар Фейсбукдаги «ХУМШ ва у билан қандай яшаш лозим» гуруҳида пайдо бўлди.

Афсуски, ХУМШ раҳбарлари уй аҳлини квартира ичидаги устунларни ўз ҳисобидан алмаштиришга мажбур қилиши ҳоллари кўп учрайди. Ширкат кредит тўлаётти, пули санокли, устунларни алмаштиришга ажрата олмаяпти дея тахмин қилиш мумкин. Бироқ, қандай бўлмасин, бу талаб – укувсиз бошқарув ва қонунчиликни поймол этиш натижаси. Квартиралар ичидаги устунларни алмаштириш ишлар режаси, сметага киритилган бўлиши лозим. Бунинг бажариш имконини бермайдиган вазиятлар юзага келса, ширкат аҳолига устунларни ўз ҳисобидан, кейинчалик харажатларни қайта ҳисоблаш шарти билан алмаштиришни тақлиф қилиши мумкин. Бу тақлифни қабул қилиш-қилмасликлари мулкдорларнинг ўзи ҳал этади.

Маълумотномалар ўтмишда қолади

Пойтахтимизда кўчмас мулк объектларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳадя қилиш битимларини тузишда нотариал идораларга Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри корхоналари томонидан қоғоз маълумотномалар берилиши тўхтатилди.

Бино ва иншоотлар таркиби ва мансублиги тўғрисидаги ахборот идоралараро қоғозсиз электрон ҳамкорлик йўли билан берилади. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши кўчмас мулк эгаларининг ДК туман филиалларига мурожаатлари сонини бир неча бараваар қисқартириш, уларнинг вақтини тежаш, нотариал идо-

ралар ва кадастр корхоналари туман бўлинмаларидаги навбат кутишларни камайтириш имконини беради.

Маълумотномаларни тақдим этишнинг бундай форматидан фойдаланиш кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларда битимларни тузиш механизмининг анча соддалаштириши, шу жумладан кўчмас мулк бозоридаги ноқонуний

воситачилик тузилмалари фаолиятини чеклашга олиб келиши лозим. Нотариатларга маълумотларни электрон шаклда тақдим этиш ВМнинг «Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорида (27.02.2017 йилдаги 106-сон) назарда тутилган.

Маъзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

НОРМАТИВ ЛОЙИХА

«Қоғозли» меҳнат дафтарчаларини тўлдириш 2021 йилдан бекор қилинади

ҚЎТБТ порталида Меҳнат кодексига тузатишлар киритишга доир қонун лойиҳаси жойлаштирилди. Тузатишларнинг энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

«Қоғозли» меҳнат дафтарчалари ходимларга 2021 йилда қайтариб берилади

Эслатиб ўтамиз, республикамызда «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизими жорий этилмоқда. 1.01.2019 йилдан бошлаб илк маротаба ишга қираётган ходимлар учун қоғоз кўринишидаги меҳнат дафтарчасини бериш тўхтатилади, меҳнат стаж ва ижтимоий сугурталаш бўйича бадаллар ҳисоби электрон тарзда юритила бошланади.

Электрон меҳнат дафтарчаси қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- ходимнинг паспорт маълумотлари;
- СТИР ва ШЖБПХ рақами;
- олинган касбий таълим, шу жумладан ўқишни тугаллаганлиги тўғрисидаги маълумотнома (диплом) рақами;
- ишга қабул қилинган санаси, меҳнат шартномасини ўзгартириш ва тугатиш тўғрисидаги маълумотлар (иш жойи ва лавозими (касби) кўрсатилган ҳолда).

Электрон меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар меҳнат стаж тўғрисидаги маълумотномалар билан тенглаштирилади. Бундан ташқари, ходим ҳар қандай вақтда солиқ инспекциясидан электрон меҳнат дафтарчасига киритилган барча маълумотларнинг қоғозда чоп этилган ва тасдиқланган нусхасини олиши мумкин.

Аммо ходимнинг илтимосномасига биноан унинг «қоғозли» меҳнат дафтарчасига ёзувлар 1.01.2021 йилгача киритилади (агар у 1.01.2018 йилгача берилган бўлса). Аммо 10.01.2021 йилдан кечикмасдан улар шахсий сақлаш учун эгасига топширилади.

Тегishли равишда, қуйидагилар ҳақиқий ҳисобланмайди:

- 1.01.2019 йилдан кейин берилган қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари;
- 1.01.2021 йилдан кейин қоғоздаги меҳнат дафтарчалари бланкаларига киритилган қайдлар.

Муддатли меҳнат шартномаларини қачон тузиш мумкин

Қонун лойиҳасида муддатли меҳнат шартномалари мажбурий равишда қачон тузилиши ва томонларнинг келишувига биноан қандай ҳолатларда тузилишига аниқлик киритилган.

Муддатли меҳнат шартномаларини мажбурий тузиш

Томонларнинг келишувига биноан меҳнат шартномаларини тузиш

- табиий шароитларга биноан иш фақат маълум даврда (мавсумда) бажарилиши мумкин бўлган мавсумий ишларни бажариш учун;
- хорижга ишга йўналтирилаётган шахслар учун;
- илмий ходимлар, профессор-ўқитувчилар, педагогика соҳаси ва ишга танлов асосида қабул қилинган бошқа ходимлар билан;
- муқобил хизматни ўташ учун;
- меҳнат фаолиятини берилган рухсатномага биноан Ўзбекистон ҳудудига амалга ошираётган хорижий фуқаролар билан;
- стажёрлик шаклида ишга қабул қилинаётган шахслар билан;
- корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтери (унинг вазифаларини бажарувчи ходим), бунда корхонанинг мулк эгаси ёки таъсис ҳужжатлари томонидан мазкур ходимлар ва бошқаларни ишга қабул қилишнинг аниқ муддат (давр)лари белгиланган бўлса;
- иш берувчилар — кичик тадбиркорлик субъектларига, яқка тартибдаги тадбиркорларга ишга

жойлашадиганлар билан 6 ойдан кам бўлмаган муддатга;

- пенсия ёшидаги пенсионерлар билан;
- ўриндошлик асосида ишга қабул қилинаётганлар билан;
- маданият ва санъат соҳасидаги ижодкор ходимлар билан;
- профессионал спортчилар, мураббийлар ва бошқалар билан.

Маълумот учун: ҳозирда муддатли меҳнат шартномалари Меҳнат кодексининг 76-моддасида кўзда тутилган ҳолатларда тузилади.

Масофали ишда – электрон меҳнат шартномаси

Меҳнат масофали шаклда ташкил этилган тақдирда меҳнат шартномаси электрон матни файл шаклида PDF форматда ташкилот рўйхатдан ўтган сайтда томонларнинг электрон имзоси билан тасдиқланган ҳолда тузилади.

Давлат хизматчилари учун – алоҳида иш тартиби

Давлат хизматчиларига муайян ҳолатларда кундалик ишнинг нормал давомийлигидан юқори бўлган алоҳида иш тартиби ўрнатилиши мумкин. Бу иш берувчининг ёзма ёки оғзаки фармойишига биноан ёки иш берувчини хабардор қилган ҳолда ходимнинг ўз ташаббусига мувофиқ амалга оширилади.

Маълумот учун: иш вақтининг 6 кунлик иш кунидagi нормал давомийлиги 7 соатдан, 5 кунлик иш кунида эса – 8 соатдан ошиши мумкин эмас.

Бунда ортиқча ишлаш иш вақтидан ташқари ишлаш ҳисобланмайди ва йиллик қўшимча таътил олиш билан компенсация қилинади. Бундай тартиб қуйидагиларга тааллуқли эмас:

- 18 ёшдан кичик бўлганларга;
- ҳомиладор аёллар ва 12 ёшгача фарзанди бўлган аёллар (16 ёшгача ногирон фарзанди бўлганлар);
- 1 ва 2-гурӯх ногиронлари;
- ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда ва алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар.

Шунингдек, давлат хизматчиларига иш стаж учун йиллик қўшимча таътиллари бериш тақлиф этилмоқда (ҳар бир тўлиқ 3 йил учун – 1 та иш куни, аммо умумий ҳисобда 5 кундай ошмаслиги керак).

Кичик корхонада қисқартиришлар ҳақида бир ой олдиндан хабар қилишади

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини тугатиш ҳақида огоҳлантириш муддатини қисқартириш тақлиф қилинмоқда – кичик корхоналар ва давлат бошқаруви органлари МК 100-моддаси 2-қисмининг 1 ва 7-қисмлари (штатларни қисқартириш ёки корхонани тугатиш, шунингдек, ходимнинг пенсия ёшига етиши). Агар тузатишлар тасдиқланса, кўрсатилган ҳолатларда огоҳлантириш муддати 1 ойдан кам бўлмаган муддатга ўзгартирилади. Бошқа корхоналар ходимларини аввалгидек 2 ойдан кам бўлмаган муддатда огоҳлантириш даркор.

Маълумот учун: бугун юқорида кўрсатилган асослар бўйича меҳнат шартномасини тугатиш ҳақидаги огоҳлантириш барча иш берувчилар учун 2 ойдан кам бўлмаган муддатга тенг (МКнинг 102-моддаси 1-қисми 1-банди).



Оммавий бўшашиш мезонлари киритилади

Ходимларни ишдан оммавий бўшашишнинг қуйидаги мезонларини ўрнатиш тақлиф этилмоқда:

- ходимлар сони 100 кишигача бўлганда – ходимларнинг ўртача сонининг 10%;
- 100 дан 200 кишигача – 5%;
- 200 дан ортиқ киши – 3%.

Бунда маҳаллий органда меҳнат шартномаси тугатилган кейинги 10 кун ичида иш излаётган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтган ходимларга МК 67-моддаси доирасида учинчи ой учун ўртача ойлик иш ҳақи тўланмайди.

Бунинг ўрнига ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда касбий қайта таълим ёки малака оширишдан ўтаётган ходимларга (меҳнат бўйича маҳаллий орган йўлланмасига мувофиқ) стипендиялар тўланади.

Суткалик сменалар жорий этилади, иш вақтидан ташқари ишларга ходимнинг розилигисиз жалб этилади

Қонун лойиҳаси билан алоҳида ходимлар тоифаси учун кундалик иш сменасини 24 соатгача давомийликда қилиш имконияти кўзда тутилган. Уларнинг рўйхатини Вазирлар Маҳкамаси алоҳида тасдиқлайди.

Маълумот учун: айни вақтда кундалик сменанинг давомийлиги ходимларнинг тоифасидан қатъи назар, 12 соатдан ошиши мумкин эмас.

Алоҳида ҳолатларда иш вақтидан ташқари ишларга ходимнинг розилигисиз жалб этилади:

- ишлаб чиқаришда ҳалокатлар, авария ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг оқибатлари ёки табиий офат оқибатларини дарҳол бартараф этиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун;
- сув билан таъминлаш, газ билан таъминлаш, иситиш, ёритиш, канализация, транспорт, алоқа бўйича зарур ишларни ишлаб чиқаришда – тўғри фаолият кўрсатишни издан чиқарувчи тасодифий ёки қутулмаган ҳолатларни бартараф этиш учун.

Оғир иш учун қўшимча ҳақ тўланади

Лойиҳа билан «меҳнатга ҳақ тўлаш», унинг таркибий қисмлари тушунчасига изоҳ берилган. Шунингдек, тариф сеткаси, тариф ставкалари (лавозим маошлари) ва тариф коэффицентлари кабиларни ўз ичига олган меҳнатга ҳақ тўлаш тариф тизими регламентланган.

Соғлиқ учун зарарли бўлган ва оғир шароитларда ишловчи ходимларга устама ҳақ тўлаш тақлиф этилган. Бундай ишлар рўйхати ва бюджет ташкилотлари ҳамда давлат корхоналаридаги устама ҳақнинг аниқ қийматини Ҳукумат, қолган ҳолларда – корхонанинг маҳаллий ҳужжатлари белгилайди.

Сайланган ходимлар қайтганида юқори лавозим берилади

Давлат органларидаги сайлов лавозимлари учун ишдан озод этилган ходимларга сайлов лавозими бўйича ваколатлари тугатилган кейин худди ўша корхонада сайланишдан олдин эгаллаб турганидан юқориқў бўлган лавозим тақдим этилади. У бўлмаган тақдирда бошқа корхонадаги тенглаштирилган иш (лавозим) тақлиф этилади.

Лойиҳага ўзгартириш, қўшимчалар киритилиши ёки у рад этилиши мумкин.

Ленара Хикматова, «Norma Online» эксперти.

Ижарага берилган мол-мулкни муддатидан олдин қайтармоқчимиз

Йил бошида тандем катокни лизингга олдик. Ишлар ҳажми йўқлиги сабабли лизингга берувчининг розилиги билан катокни қисқа муддатли ижарага бердик. Айни пайтда бир марталик ишни бажаришга буюртма олдик, ижарага олувчидан катокни бир неча кунга олишимиз зарур бўлиб қолди.

Ижарага олувчининг розилиги билан, ижара шартномасини тўхтатмай туриб ўз буюртмамизни бажариш учун ундан катокни бир неча кунга олиб турсак бўладими? Ишларни бажаргач, келгусида фойдаланиши учун катокни қайтариб берган бўлар эдик. Шундай қилиш мумкин бўлса, бу ҳужжатлар билан қандай расмийлаштирилади?

Н.Кашапова, бухгалтер.



– Ижарага берилган мол-мулкни фақат ижара шартномаси бекор қилинган ҳолдагина қайтариш мумкин.

Ижара шартномасини имзолаб, кўчар мулкни (катокни) ҳақ эвазига шартномада белгиланган муддатга вақтинча фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олгансиз.

Шартнома тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади (ФКнинг 357-моддаси). Мажбурият, қоида тариқасида, унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади (ФКнинг 341-моддаси).

Шу тариқа, ижарага олувчи фақат ижара шартномаси бекор қилингандан кейин ижарага олинган мол-мулкни сизга ўз вақтида қайтаришга мажбур.

Ташкилотингиз бир марталик ишларни бажара олиши учун ижарага олувчи билан ўзаро келишувга кўра ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилишингиз зарур. Бу билан мулкнингизни (катокни) қайтариб оласиз. Кейинчалик эса янги муддатга ижара шартномасини тузишингиз мумкин.

Асосийси – мувофиқ келиш

МЧЖ (ИФУТ коди – 38322) иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш билан шуғулланади. Биз қайта ишланган маҳсулотни нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан учинчи шахсларга сотмоқчимиз. Бунинг учун улгуржи савдога лицензия олиш зарурми?

Я.Нестерец, бош бухгалтер.

– Ташкилот муайян мезонларга мувофиқ келганда лицензия олиши керак эмас.

Корхона товар сотиб олиб, кейинчалик уни бошқа юридик шахсларга нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан сотса, яъни савдо фаолиятини амалга оширс, улгуржи савдога лицензия олиши керак (Солиқ кодексининг 22-моддаси).

Агар ўзингиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларни, шу жумладан фирма дўконлари орқали реализация қилсангиз (Солиқ кодексининг 350-моддаси 5-қисми 1-хатбоши), улгуржи савдога лицензия талаб этилмайди.

Ўзи ишлаб чиқарган товар деганда корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган маҳсулот (шу жумладан ярим тайёр маҳсулот) тушунилади. Бунда корхона ишлаб чиқариш технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда, ўзига тегишли бўлган ёки жалб этилган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши шарт (АВ томонидан 16.02.2011 йилда 2195-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидаларнинг 5-банди).

Қўйидагилар ишлаб чиқариш технологик жараёни бўлиб ҳисобланмайди:

➢ сақлаш ёки транспортда ташиш вақтида товарларнинг сақланишини таъминлаш бўйича операциялар;

➢ товарларни сотиш ва транспортда ташишга тайёрлаш бўйича операциялар (товар туркумини майдалаш, товарларни жўнатишни ташкил қилиш, саралаш, қайтадан ўраш, қадоқлаш) (Қоидаларнинг 6-банди).

Маҳсулот норматив ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган бўлиши керак.

Мамлакатимизда стандартлаштиришга доир қўйидаги тоифадаги норматив ҳужжатлар қўлланилади:

➢ халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлари;

➢ Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари;

➢ ташкилотнинг стандартлари;

➢ хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари («Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси).

Шу тариқа, хом ашёни қайта ишлаш чоғида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга тааллуқли мезонларга ҳамда стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя этсангиз, улгуржи савдога лицензия олиш керак эмас.

Александр Лобанов, «Norma Online» эксперти.

Корхона улгуржи савдо билан шуғулланади. Юкхат-ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш чоғида сотиб олувчилардан олди-сотди шартномасининг асл нусхаси (унга кўра юкхат жўнатиш амалга оширилади), ТМБ олишга ишончнома ва харидор вақтининг паспортини талаб қиламиз.

Товарларнинг олди-сотди шартномаларини тузишда ва реализация қилишнинг ўзида, шу жумладан улгуржи савдо билан шуғулланувчи сотиб олувчилардан қўшимча равишда қандай ҳужжатларни сўрашимиз керак?

В.Маркана, бош бухгалтер.

Товарлар берилишини ҳужжатли расмийлаштириш

– Савдо корхонаси товарни чакана савдо корхонасига сотган ҳолда қўшимча ҳужжатлар зарур бўлади.

Юридик шахс товарни бошқа савдо корхонасига улгуржи сотаётганда олди-сотди шартномасини расмийлаштириш кифоя. Бундай шартномаларни тузиш чоғида сотиб олувчидан қандайдир ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш қонунчилида назарда тутилмаган.

Савдо корхонаси товарни чакана савдо билан шуғулланувчи юридик шахсларга улгуржи сотса, шартномага сотиб олувчи рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органининг турғун савдо шохбачаси мавжудлиги ва назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси илова қилиниши керак. Товарлар кичик туркумлар билан турғун савдо шохбачалари орқали чакана савдо билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга сотилган тақдирда ҳам худди шу ҳужжатлар тақдим этилади (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 11-банди).

Товарни сотиб олувчи корхона раҳбари эмас, бошқа ходим олса, у товар-моддий бойликларни олишга ишончномани сизга тақдим этиши шарт. Ишончнома Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомга (АВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 1, 2-иловаларда назарда тутилган шаклда расмийлаштирилади.

Сабоҳат Султонова, «Norma Online» эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техника-ни ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш-ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлиқ-7 мавзеси манзилидаги ер участкасининг (минимаркет) 23.03.2009 йилдаги ТА 0710137-сонли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.

Иккисондий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва

ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарход Собирович
ҚУРБОНОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-90
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терлиқди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 188. Қўғоз бېғим – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ, баҳоси келишилган нархда.
Буюртма 1220. Адади 1 080. Газета 2017 йил 6 ноябрь соат 15.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;

Рекламани joyлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.